*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 25 октябрь, сешанба • № 86 (11.785) • Эркин нархда сотилади

# 275.000 ТОННА ТОШКЕНТ ПАХТАСИ ТАЙЁР!







## ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК САМАРАСИ

Вилоят меҳнаткашлари давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси тайёрлаш контрактация шартномасини муваффақиятли адо этдилар

Бугун вилоятимиз пахтакорларининг қувончлари чексиз. Эл-юрт олдида юзлари ёруғ. 275400 тоннадан зиёд залворли пахта хирмони нисбатан анча қисқа муддат — беш ҳафта ичида бунёд этилди. Кейинги қатор йиллар давомида бундай жадал суръатга эришилмаган эди.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, бундай қувончли ютуққа эришишда давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалигини изчил ва барқарор ривожлантириб боришга қаратилган фармон ва қарорлари, республика ҳукуматининг соҳага доимий эътибори ва кўрсатаётган амалий ёрдами ҳамда бераётган имтиёзлари, айниқса, вилоят ҳокимлигининг ширкат ва фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, техника, ўғит, ёнилғи ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш чораларини кўраётгани ва барча ташкилий масалаларни оқилона ҳал этиб бораётганлиги асосий омил бўлиб хизмат қилди.

Бу йил барча ташкилий ва агротехник чора-тадбирлар ўз вақтида оқилона амалга оширилгани туфайли режа ҳар қачонгидан ҳам эрта муддат, яъни 22 октябрда бажарилди. Бу эса ўз навбатида хом ашёнинг юқори сифатли ва даромаднинг салмоқли бўлишини таъминлади. Чунончи, вилоят «Пахтасаноат» АЖ тизимидаги корхоналарга топширилган пахтанинг қарийб 86 фоизи биринчи ва иккинчи навларга қабул қилинди.

Чиноз, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ ва Бекобод туманлари пахтакорлари эришган ютуқларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, чинозликлар

**Беистисно, барча туманлар вилоятимизнинг умумий пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшди:**

| | | |
|---|---|---|
| **Бекобод** | — | **41.442 тонна** |
| **Бўка** | — | **39.400 тонна** |
| **Оққўрғон** | — | **39.100 тонна** |
| **Қуйичирчиқ** | — | **38.700 тонна** |
| **Ўртачирчиқ** | — | **36.500 тонна** |
| **Чиноз** | — | **23.310 тонна** |
| **Пскент** | — | **22.250 тонна** |
| **Юқоричирчиқ** | — | **17.420 тонна** |
| **Янгийўл** | — | **16.930 тонна** |

ҳар йилгидек, режани вилоятда биринчи бўлиб бажардилар. Уларнинг шу кунгача давлатга сотган пахталари шартномадагига нисбатан 117 фоиздан ошиб кетди. Қуйичирчиқ тумани меҳнаткашлари бу йил пахтачиликда кескин бурилиш ясаб, шартнома мажбуриятини иккинчи бўлиб адо этдилар. Шимолий минтақа ҳисобланган Юқоричирчиқ тумани теримни ҳаммадан кеч бошлаган бўлсада, маррага биринчилар қатори етиб келди ва кунлик суръатда энг юқори натижага эришди. Катта карвон бекободликлар вилоятда энг кўп пахта етиштиришларига қарамай, ўз бурчларини шараф билан уддаладилар.

Бўка, Оққўрғон, Ўртачирчиқ туманлари пахтакорлари астойдил ҳаракат қилиб, шартнома мажбуриятини октябрь ойидан кечиктирмай бажариш мақсадида бор куч ва имкониятларни ишга солмоқда.

Қишлоқ хўжалигида етакчи кучга айланиб бораётган фермерлар бу йил нафақат етакчи, балки ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқдилар десак, муболаға бўлмас. Хусусан, вилоятда 4297 та фермер хўжалиги жами 124,4 тонна пахта етиштириш юзасидан тузган шартнома мажбуриятларини муваффақиятли бажарди. Бошқача айтганда, вилоятда тайёрланган жами пахтанинг 45,2 фоизидан кўпроғини фермерлар етиштириб бердилар. Ўтган йилги мавсумда эса, бу кўрсаткич 38,7 фоиз эди.

Вилоят пахтачилигида бу йил шундай кескин бурилишга эришилган экан, бунинг ўзига яраша омиллари бор, албатта. Вилоят ҳокимлиги пахтачиликни ҳар жиҳатдан мукаммал таъминлаш ва ҳар бир тадбирнинг аниқ мақсад ва режа асосида амалга оширилишига оқилона раҳбарлик қилди. Энг аввало, ўтган куз, қиш ва эрта кўклам пайтида мавжуд ариқ зовурларни тозалаш ва тартибга келтиришга амалда киришилди. Чунки, сизот сувларининг жойлашиш ҳолатини белгилайдиган ва ернинг заҳини қочирадиган бундай иншоотларнинг пахта ҳосили тақдирига таъсири кучли. Шуни ҳисобга олиб, керакли жойлардаги ариқ-зовурлар кавланиб, тўла тартибга келтирилди. Умуман, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация иншоотлари тизимини тубдан қайта таъмирлаш мақсадида жами 31 та янги экскаватор-драглайн сотиб олиниб, ариқ зовурларни тозалашга жалб этилди.

Иккинчидан, вилоятдаги ширкат ва фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик техникаларига бўлган талаб ва эҳтиёжлари ўрганиб чиқилиб,

**(Давоми 2-бетда).**

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИК МУАММОЛАРИ МУҲОКАМАСИ

**Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Марказий Осиёда хавфсизлик муаммолари» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Россиянинг «Политика» фонди Германиянинг Ф.Эберт номидаги жамғармаси кўмагида ташкил этди.**

Конференцияда ўзбекистонлик эксперт ва таҳлилчилар, шунингдек, Россия, Германия, АҚШ, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Исроил, Жанубий Корея ва Марказий Осиё давлатлари ва бошқа мамлакатлардан қирқдан зиёд таниқли эксперт иштирок этмоқда.

Конференцияда Марказий Осиёда вужудга келаётган геосиёсий вазият ҳамда халқаро террорчилик, диний экстремизм, наркобизнес каби хавфсизликка таҳдид солаётган муаммоларга қарши курашиш масалалари кўриб чиқилди. Айниқса ғарбона демократияни экспорт қилишга, зўрма-зўраки тиқиштиришга уринишлар хавфсизлик ва барқарорликка жиддий таҳдид солаётгани таъкидланди. Конференция қатнашчилари минтақада хавфсизлик ва барқарорликни, Марказий Осиё давлатларининг барқарор тараққиётини таъминлашда кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўлларини муҳокама қилдилар.

Атрофлича муҳокамадан сўнг экспертлар ва сиёсатшунослар, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик муаммоларини ҳал этишдаги ҳамкорлик қудратли давлатларнинг ва биринчи галда, Марказий Осиё давлатларининг манфаатларини ўзаро инобатга олишни талаб қилади, деган хулосага келдилар. Конференция қатнашчилари таъкидлаганидек, айни вақтда минерал ва энергетик ресурсларга бой бўлган бу минтақа давлатларига очиқдан-очиқ ташқи таъсир кучайиб бораётгани ҳам кузатилмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, террорчилик ва наркобизнесга қарши кураш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ечиш масалаларида минтақа давлатларининг ягона ёндашувга эришиши энг асосий вазифага айланмоқда.

Конференцияда диний-экстремистик тўдаларнинг қўпорувчилик фаолияти, Ғарб давлатларидаги муайян сиёсий доираларнинг душманларга хос ҳаракати натижаси бўлмиш Андижондаги фожиали воқеалар ҳам муҳокама этилди. Бу сиёсий доиралар табиий ва моддий-хомашё ресурсларига бевосита эгалик қилиш, бу ерда ўзларининг стратегик манфаатларига мос келадиган тартибни ўрнатиш мақсадида минтақада яккаҳокимлик қилишга уринмоқда.

Айрим хорижий оммавий ахборот воситалари ва халқаро тузилмалар талқин этаётганидек, гўё ижтимоий-иқтисодий омиллар туфайли юзага келган «халқ исёни» ҳақидаги гаплар ҳеч бир ақлга сиғмаслиги таъкидланди. Бу қўпорувчиликда қурол ишлатилгани, объектларга ҳужум қилингани, жиноятчиларнинг қамоқхонадан чиқариб юборилгани, одамларнинг гаровга олингани, вилоят маъмурияти биноси эгаллангани, қабул қилинмаслиги авваладан аён бўлган талаблар қўйилгани (террорчилик фаолияти билан шуғулланганлари учун қамалган шахсларни озодликка чиқариш) — буларнинг барчаси яхши режалаштирилган, ҳар томонлама пишиқ-пухта ишлаб чиқилган, узоқни кўзловчи мақсадларга эга бўлган кучли марказлар томонидан Ўзбекистондан ташқарида туриб бошқарилган террорчилик ҳаракатига хос белгилардир.

Экспертлар Андижондаги фожиали воқеалар чоғида радикал-экстремистик кучлар ёрдамида давлат тўнтариши уюштиришга, қонуний конституциявий тузумни ағдаришга уринишнинг олди олинганини, мамлакатнинг ўз мустақил йўли, шан-шавкати сақлаб қолинганини қайд этдилар.

Андижон воқеалари сценарийчиларининг Ўзбекистонда миллий парокандаликни юзага келтириш борасидаги умидлари пучга чиқди, аксинча, кўп миллатли халқ ва жамият янада жипслашгани конференцияда алоҳида таъкидланди.

Янги сиёсий тузумга ўтиш ва геосиёсий йўналишни белгилашда Марказий Осиё мамлакатларига айрим ғарб давлатларининг ўз йўриқларини тиқиштиришдек бузғунчилик амалиёти, шунингдек, бу борада бузғунчи мухолифатни радикал-экстремистик кучлар билан бирлаштиришга ва уларга «демократик», халқ озодлиги ҳаракати мақомини беришга бўлаётган уринишлар экспертлар томонидан танқид қилинди.

Бу мавзудаги аксарият маърузаларда мўрт демократияни илгари суриш режалари, «рангли инқилоб»ларни ташкил этиш ва амалга ошириш минтақадаги вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам бермаслиги, боз устига, бу хатти-ҳаракатлардан учинчи куч — минтақада халифалик тузумини ўрнатишга уринаётган ўта радикал экстремистик марказлар фойдаланиб қолиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилди.

**Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## «МАҲАЛЛА»НИНГ РАҒБАТИ

Вилоят меҳнаткашларининг бу йилги саъй-ҳаракатлари зое кетмади. Далаларда ҳосил мўл. Кузнинг ҳар бир кунини ғанимат билиб, катта хирмон уяётган теримчиларнинг меҳнатлари муносиб рағбатлантириб борилмоқда. «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими томонидан ажратилган 965 минг сўмлик моддий ёрдам Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ, Бекобод, Бўка туманларининг теримчилари кайфиятини кўтариб, уларнинг ғайратига ғайрат қўшмоқда.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

## ШИЙПОНДА КОНЦЕРТ

**Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар Кенгашининг ходимлари Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими билан биргаликда Ўртачирчиқ туманининг фермер хўжаликлари теримчилари учун концерт уюштирдилар. Теримда юқори натижаларга эришганларга фахрий ёрлиқлар ва ўндан ортиқ чиннилар тўплами тақдим этилди.**

**Баҳодир ВАҲОБОВ.**

***Маҳмуд Тоиров***

## ҚУВОНЧ ҚЎШИҒИ

*Сўз билган сўз айтар пайтидир шу зум,*
*Нечун қўлга олмай қоғоз, қаламни.*
*Деҳқон юзидаги битта табассум,*
*Ёритиб юборди бутун оламни.*

*Эй шоир, юрмагин сен сўз ахтариб,*
*Ҳар қадоқ қўл учун минг таъзим даркор.*
*Илк бора эгатдан бошин кўтариб,*
*Кўзларга тик боқди шошлик пахтакор.*

*Шош бағрида шодон қозоқ ҳам, рус ҳам,*
*Ўнлаб миллат аҳлин кўкси бугун тоғ.*
*Буюк ғалабани кўрмоқда баҳам,*
*Илиқ сўзлар айтиб, очишиб қучоқ.*

*Кўзим гавҳарига қувонч қўнади,*
*Чинозлик ғолиблар жилмайиб қўйса.*
*Бугун ярашади кўксини кериб,*
*Бекободнинг аҳли шодликка тўйса.*

*Бугун дилда ёнди ишонч чироғи,*
*Кўзларнинг кўркидир улкан хирмонлар.*
*Кўҳна Тошкент оппоқ олтинин олиб,*
*Ипак йўлларига чиқар карвонлар.*

*Тошкентим, бир ўтинч бордир дилимда,*
*Мардлар тутганини маҳкамроқ ушлар.*
*Юксак парвоз қилсин доим элимда,*
*Пахтазорларингдан учган оққушлар!*

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**

## ҚУЛАЙЛИК

**Қибрай туманидаги 77-мактаб-интернатда тарбияланувчилар учун зарур ўқув-маиший шароитлар яратилди.**

Ошхона таъмирланиб, овқатланиш зали кенгайтирилганлиги катта қулайлик туғдирди. 4 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлаб сотиб олинган компьютерлар ва бошқа жиҳозлар дарсларни юқори савияда ўтказишга ёрдам беради.

Қиш мавсуми арафасида спорт зали, ошхона ва бошқа бинолар томи таъмирланди.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

## БЎЛАЖАК АСКАРЛАР

**Зангиота туман мудофаа бўлимида йигитларни саралаш тадбирлари давом этмоқда.**

Улар махсус тест ва жисмоний синовлар ҳамда тиббий кўрикдан ўтмоқдалар. Йигитларнинг энг саралари, ҳар тарафлама соғлом ва бақувватлари ҳарбий хизматга юборилмоқда.

Куни кеча навбатдаги бир гуруҳ йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди. Тадбир ҳақиқий байрам тусини олди. Ота-оналар ва туман фаоллари бўлажак аскарларга оқ йўл тиладилар. Йигитларга эсдалик совғалари топширилди.

**Равшан РУСТАМОВ.**

## БЕТАЛАФОТ БЎЛИШИ УЧУН

**Янгиобод йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси томонидан «Тошкент-Ўш» автомобиль йўлининг бириктирилган 108-214 километрларида қиш мавсумини беталафот ўтказишга доир ишлар амалга оширилди.**

Тайёргарлик ишларига бошқарма томонидан 5 та автосамосвал, 1 тадан автокран, юклагич, экскаватор, бульдозер техникалари ҳамда 7 та автогрейдер, шунингдек, махсус бригада таркибида ишчи кучи жалб этилди. 6 километр масофадаги йўлга асфальт ётқизилди. Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи қўшимча тадбирлар амалга оширилди. Йўллар бетон тўсиқлар билан мустаҳкамланди ва йўл бўйларига зарур миқдорда қум заҳиралари келтириб қўйилди.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

**2006 йил учун обуна давом этмоқда**

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»** газетасининг индекси – **205.**

# Тошкентим, муборак улкан хирмонинг!



Ўртачирчиқ тумани «Қорасув» ширкат хўжалиги оператори Ҳамид Мамбетов.

## «КЕЙС»ДА ЖАМЛАНГАН ТОННАЛАР

**Пахта йиғим-терими кўп қатори биз — механизаторлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Бундай паллаларда ўтаётган ҳар бир кун, дақиқа ғанимат ҳисобланади, шу боис терим мавсуми суръат ва сифатнинг юқори бўлишини тақозо этади.**

Мавсум мобайнида туманимиз хўжаликларида машина теримига нисбатан катта эътибор берилди. Туманимизда шу вақтга қадар бунёд этилган хирмоннинг қарийб 4,5 минг тоннаси терим агрегатлари улушига тўғри келади. Ҳозир ҳам кунига далаларда қолган ҳосилнинг 70-80 тоннаси терим машиналари ёрдамида йиғиштириб олинмоқда.

Шу ўринда туманда етиштирилган қимматбаҳо хом ашёни ўз вақтида, ёғин-сочинли кунларга қолмасдан йиғиштириб олиш, мавсумни муваффақиятли якунлаш учун атрофлича ҳозирлик кўрилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Техника воситаларининг белгиланган меъёрда, юксак унум билан, соз ҳолатда ишлашини таъминлаш мақсадида уларга кўрсатиладиган сервис хизмати бевосита экин майдонларида ташкил этилгани ҳам айни муддао бўлди. Бу билан агрегатлар кучидан тўлиқ фойдаланишга, вақтдан ютишга эришилди. Ёқилғи-мойлаш ашёлари, зарур эҳтиёт қисмлар таъминотида ҳам узилишлар бўлмади. Туман машина-трактор парклари ҳиссадорлик жамияти ҳамда тегишли ширкат ва фермер хўжалиги мутасаддилари бу борадаги ишларга жуда катта масъулият билан ёндошдилар.

Бошқарувимдаги «Кейс» комбайни ёрдамида 101 гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олиб, умумий хирмонга 102 тонналик улуш қўшдим. Туманимиз белгиланган давлат буюртмасини аллақачон адо этган бўлсада, пахтазорларда ҳамон иш қизғин. Эндиги мақсад ерларни ҳосилдан тезроқ тозалаб, кузги шудгорга эртароқ киришишдир.

**Аббос ЎРОЗАЛИЕВ,**
**«Кейс» оператори,**
**Қуйичирчиқ тумани.**

## ҲАМИША ХИЗМАТДАМИЗ

**Инсон саломатлиги — жамиятнинг бебаҳо бойлиги. Уни асраб-авайлаш, айниқса, пахта йиғим-теримига ёппасига киришилган кезларда долзарб тус олади. Бу пайтларда аҳолига хизмат кўрсатувчи бошқа барча касб эгалари сингари тиббиёт соҳаси ходимларини ҳам пахтакорлар даврасида кўплаб учратиш мумкин.**

Бу мавсум ҳам шундай бўлди. Теримчиларга малакали тиббий хизмат кўрсатишга 850 шифокор ва ўрта бўғин тиббиёт ходимлари жалб қилинди. Шунингдек, пахтакор туманларда 35 та «тез ёрдам» машиналари мунтазам ишлаб турди. Теримчилар энг кўп тўпланган жойларда муваққат тиббий хизмат пунктлари ташкил этилиб, уларга зарур дори-дармонлар мунтазам етказиб бериб турилди. Бу борада «Дори-дармон» акциядорлик жамияти билан «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлимлари алоҳида ғамхўрлик кўрсатишди.

Теримчилар орасида юқумли касалликлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун тегишли дезинфекция тадбирлари амалга оширилди. Ҳар бир шифохонада алоҳида ўринлар ташкил этилиб, малакали шифокорларнинг навбатчилиги йўлга қўйилди.

Мавсум мобайнида пахтакорлар ўртасида тиббий маърифат ишлари кенг олиб борилди. Чунончи Бўка, Оққўрғон, Бекобод, Чиноз ва Янгийўл туманларида мутахассислар пахтакорлар ўртасида ўткир ичак хасталиклари тўғрисида суҳбатлар ўтказиб, унинг олдини олиш чораларини кўришди. Саломатлик институтининг вилоят филиали «Тозалик — саломатлик гарови» буклетларини 500, бошқа хасталиклар ҳақидаги эслатмаларни 1000 нусхада чоп эттириб тарқатди. Вирусли гепатит, ичак инфекциялари ва овқатдан заҳарланишнинг олдини олишга даъват этувчи 2000 та эслатма ҳам пахтакорларга етказиб берилди.

**Феруза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.**



Пскент тумани И. Ҳайдаров номли ширкат хўжалиги пудратчилари Шоҳиста Бегматова ва Шерзод Абдумавлонов.

## БУ ЙИЛГИ ҲОСИЛНИНГ СИФАТИ ЎЗГАЧА

**Шу кунларда вилоятимизнинг қай бурчагига борманг, куз саховатидан баҳрамандлик, айниқса, пахтакорлар эришган ютуқдан мамнунлик кайфияти кўзга ташланади. Ишдаги жонбозлик, баҳамжиҳатлик, кўтаринки кайфият билан уйғунлашган муҳитни Ўртачирчиқ туманидаги «TSI-Қорасув пахта» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасида ҳам кузатиш мумкин.**

Пахта тозалаш корхонамиз мавсум бошидан шу кунгача 24 минг 539 тонна пахта хом ашёсини қабул қилиб олди. Ўтган даврда беш минг тонна пахта қайта ишланишига эришилиб, ундан 2241 тонна «Элита», «Р-1», «Р-2» навлардаги уруғлик, 1700 тонна сифатли тола тайёрланди. Ўтган йилга нисбатан 8500 тонна кўп пахта қабул қилинди. Бу йил камида 100 миллион сўм, соф фойда олиш кутилмоқда.

Бу ютуқларга корхонани бошқариш соҳасида туб ўзгаришларга асос солингани, ишлаб чиқаришда илғор технологиялар қўлланилаётгани, касаба уюшмаси билан ҳамкорликда ишчи-хизматчиларга ҳар томонлама қулай меҳнат шароитлари яратиб берилаётгани туфайли эришилмоқда.

Ишчи-хизматчиларнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун қилинган ишларни кўрсатувчи рақамларни келтирмоқчиман. Ҳозирги кунда корхонада 360 нафар ишчи ва хизматчи меҳнат қилаётир. Уларнинг ўртача иш ҳақи 80-90 минг сўм. Айни дамда ишчиларга кунига уч маҳал сифатли ва мазали таом берилади. Уларнинг намунали ҳордиқ олишлари, ювинишлари учун алоҳида ажратилган хоналар мавжуд. Белгиланган муддатда тиббий кўрикдан ўтиш учун замонавий тиббий қисм ишлаб турибди. Бундан ташқари, йилда бир марта Бухоро, Самарқанд ва Хива каби зиёратгоҳ шаҳарларга саёҳатлар ташкил этиб турилибди.

Бу йилги мавсум олдидан катта тайёргарлик ишлари олиб борилганлиги анчайин қўл келмоқда. Ҳозир корхона ҳудудида 26 та бунт, 4 та ёпиқ омбор мавжуд. Корхонага қарашли Тўйтепа ҳамда Чиғириқ пахта қабул қилиш пунктларида жами 36 та бунт ҳамда 2 та ёпиқ омбор ҳозирланган. 9 дона «МТЗ-80» тракторлари, 14 та тиркама мосламалари, ёнғин хавфсизлиги автомашиналари, сув насослари ҳамда турли-туман транспорт воситалари мавсумни кўнгилдагидек ўтишига ёрдам бермоқда.

Корхонамиз учун 2005 йил омадли келди, десам муболаға бўлмайди. 11-13 май кунлари Швейцариянинг Женева шаҳрида халқаро FEBR ташкилотининг ташаббуси билан Форум ўтказилган эди. Унда корхонамиз ҳам ўз маҳсулоти билан иштирок этиб, «Юқори сифат кўрсаткичи» йўналиши бўйича олтин медаль билан тақдирланди.

Бу йил тумандаги 217 та фермер ҳамда 12 та ширкат хўжаликларидан пахта хом ашёси қабул қилинди. Ўз навбатида улардан олинган тола Тошкент терминал базасига юкланаётир. Базадан эса тўғридан-тўғри Швейцария, Франция, Россия, Бельгия каби қатор давлатларга жўнатилмоқда. Бу йил ҳам 2004 йилдаги сингари 95 фоиз маҳсулотимизни экспортга чиқарамиз.

**Абдужаббор УМАРОВ,**
**корхона раҳбари.**

**Бугунги кунда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш ўз самараларини яққол кўрсата бошлади. Вилоятимизда зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли 47 та ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Ўтган йилнинг ўзида 15 та ширкат хўжалиги тугатилди. Ер ажратиш ва фермерларни танлаш жараёнлари ошкора, адолатли тарзда, қатъий тендер асосида ўтказилди. Ер кўп йиллар қишлоқ хўжалигида меҳнат қилиб келган тажрибали, ҳалол одамлар қўлига ўтди.**

## ФЕРМЕРЛАРНИНГ ПАРВОЗИ БАЛАНД

Айни пайтда фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмалари такомиллаштирилди. Бугунги кунда вилоятимиз туманларида 45 та муқобил машина-трактор парки, 35 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 36 та ёқилғи-мойлаш, 26 та минерал ўғит шаҳобчаси, 36 та мини-банк фермерларга хизмат кўрсатаётир. Етиштириладиган ҳосил ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратиш ҳам одат тусига кирди. Бу жараёнлар кутилган мақсад оқланишини тасдиқлади.

Бугунги кунда вилоятимиз туманларида пахта майдонларининг 45,8 фоизи ёки 49,5 гектарига фермерлар эгалик қилмоқдалар.

Мана шуларнинг ҳаммаси пахта етиштиришда фермер хўжаликлари қўшган улуш салмоғини кескин ошириш имконини яратди. Чунончи, ўтган йили 2400дан ортиқ фермер хўжалиги шартномавий режани ортиғи билан бажариб, давлатга режадан ташқари 6 минг тонна ёки 247 миллион сўмлик қўшимча пахта топширган эди.

Бу йил ҳам мўл пахта ҳосили етиштиришга пухта тайёргарлик билан киришилди. Фермерлар 100дан ортиқ ҳайдов, ғўза қатор ораларига ишлов берувчи ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаларини лизинг ҳамда кредит асосида олишди. Умуман, вилоят банклари уларга техника сотиб олиш мақсадлари учун 5 миллиард 5 миллион сўм кредит ажратди. Натижада фермер хўжаликлари қайта ишланган сара уруғ билан вақтида тўла таъминланди. Минерал ўғит бериш билан бир вақтда чигит экиш тўла гектарлар ҳосил қилиш учун катта имкониятлар яратди. Улар 49 минг 516 гектар майдонга дориланган чигитларни қисқа муддатларда тўлиқ экиб олишди. Маблағ ажратишнинг транш тизимидан кредит тизимига ўтказилиши фермерларга ғўза парвариши жараёнидаги ҳар бир ишни қулай фурсатларда сифатли бажариб олиш имконини туғдирди. Минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш материаллари бевосита далаларга етказиб берилди. Ғўза зараркунандаларига қарши курашиш ва дефолиация ҳам ўз вақтида уюшқоқлик билан ўтказилди. 184 та пахта териш машинаси созланиб, улар ишлатиладиган майдонлар олдиндан аниқлаб қўйилди.

Мана шу чора-тадбирлар туфайли фермерларимиз ғўзани серҳосил қилиб ўстириш, ҳар тупда мўл ва сифатли ҳосил тўплашга муваффақ бўлдилар. Теримга ҳам уюшқоқлик билан киришилди. Илғор фермер хўжаликлари ҳафта-ўн кунда шартномавий режани бажаришга эришдилар.

Умуман олганда, бу мавсум ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш ниҳоятда ўринли бўлганлигини тасдиқлади. Кўп йиллар мобайнида пахта топшириш режасини бажармай келган хўжаликлар ўрнида ташкил этилган фермер хўжаликлари қисқа муддатларда мўл ва сифатли ҳосил териб топширдилар. Чунончи, Бўка туманидаги Улуғбек номли, «Қашқадарё», Турғун Ражабов номли, «Туркистон» ширкат хўжаликлари кўп йиллардан буён қолоқликдан чиқа олмасди. Пахта тайёрлаш режаси 50-60 фоизда қолиб кетарди. Мана шу ширкат хўжаликлари ўрнида ташкил этилган фермерлар уюшмалари бу йил режадагидан 50-170 тонна ошириб ҳосил етиштиришди, режани биринчилардан бўлиб бажаришди. Бекобод туманидаги «Турон» фермерлар уюшмаси 650 тонна, «Деҳқонобод» — 3329, «Авангард» — 2220, Ойбек номли фермерлар уюшмаси 4070 тонна пахта топширди. Чиноз туманидаги «Янгиобод» хўжалиги илгарилари 150 тоннадан ошириб пахта топшира олмасди. Мана шу хўжалик негизида ташкил этилган 71 та фермер хўжалигида эса бу йил 900 тоннадан зиёд пахта етиштирилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Вилоятимиз фермер хўжаликлари мавсумда ўз салоҳиятларини рўй-рост намоён эта олдилар. Ялпи пахта хирмонида уларнинг ҳиссаси 45,2 фоизга етди. Бир қатор туманларда бу кўрсаткич яна ҳам юқори бўлди. Жумладан, Оққўрғон туманида етиштирилган пахтанинг 50,5, Бекобод туманида — 56,2, Юқоричирчиқ туманида — 54,4 фоизини фермер хўжаликлари етказиб беришди.

Шу кунгача 3131 фермер хўжалиги шартномавий режани ортиғи билан бажарди. Фермерларимиз вилоят хирмонига режага қўшимча 8 минг тоннадан зиёд пахта тўкишди. Ҳали далаларда ҳосил мўллиги, деярли барча хўжаликларимиз теримни қизғин давом эттираётганлиги назарга олинса, бу кўрсаткич яна ҳам ортиши аниқ.

Вилоятимиз марраға етган шу кунларда илғор фермер хўжаликларини алоҳида тилга олсак арзийди. Аслини олганда, улар вилоятимиз фахрига айландилар. Чунончи, Чиноз туманидаги Муқимий номли фермер хўжалигининг шартномавий режасида 236 тонна пахта етиштириш кўзда тутилган эди. Улар бугунги кунгача 440 тоннадан ошириб хом ашё топширишди. Ўртача ҳосилдорлик ҳозирнинг ўзида 46 центнердан ошди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда мана шу фермер хўжалиги 126 миллион сўм даромад жамғараяпти.

Ёки Оққўрғон туманидаги «Покиза-М» фермер хўжалигини олиб кўрайлик. Бу ерда шартномавий режа 12 кунда бажарилди. Қабул пунктларига режадагидан 32 тонна кўп — 170 тонна сифатли пахта топширилди. Соф даромад 30 миллион сўмга етиб борди. Бундай илғор фермерларни кўплаб учратиш мумкин. Қувонарлиси шундаки, вилоятимиз фермер хўжаликларида етиштирилиб, давлатга топширилган жами пахтанинг 80 фоизи биринчи навларга қабул қилинди.

**Абдуқаҳҳор ҚУРБОНОВ,**
**Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят филиалининг раҳбари.**



Бекобод туманидаги «Эргашбой ўғли Абдусалом» фермер хўжалиги аъзолари ҳам теримда фаол иштирок этишди.

## МЕНИНГ ҲАМ УЛУШИМ БОР

**Кейинги йилларда, деҳқончилик, хусусан, пахтага бўлган муносабат тубдан ўзгаргани боис энди минг машаққатлар эвазига етиштирилган ҳосилни қисқа фурсатда, эрта кузнинг илиқ-иссиқ кунларида йиғиштириб олишга эришилмоқда.**

Терим мавсумининг эрта ниҳояланиши ҳосил сифатининг юқори бўлишини таъминлабгина қолмай, пахтакорларга ҳам ортиқча қийинчилик туғдирмайди.

Дарҳақиқат, бу йилги мавсум аввалгилардан фарқли ўлароқ жуда катта ташаббус ва ташкилотчилик билан ўтди, деб бемалол айтиш мумкин. Биринчидан, ҳосил мўл, об-ҳаво қулай бўлди. Қолаверса, уни ташкил этишда теримчиларга қулай шароитлар яратилди, меҳнат ҳақи ўз вақтида, қўшимча рағбат асосида бериб борилди.

Мавсумда иложи борича фаоллик кўрсатишга, хўжалигимиз, унинг мисолида туманимиз, вилоятимиз пахта хирмонига муносиб улуш қўшишга ҳаракат қилдик. Ўз навбатида, оиламиз билан мавсумда яхшигина даромад эгаси ҳам бўлдик. Ўзим авжи паллаларда кунига 150-200 килограммгача пахта тердим. Ҳисоблаб кўрсам, мавсум бошидан буён катта хирмонга қарийб 4,5 тонна улуш қўшибман. Камтарона хизматим билан деҳқонлар оғирини енгил қилиб, элюртимиз бойлигини йиғиб-териб олишга муносиб ҳисса қўшганимдан ғоят мамнунман.

**Муниса ЖАББОРОВА,**
**Бўка тумани Й. Ҳожиматов номли ширкат хўжалиги теримчиси.**

## МАДАДКОР БЎЛДИК

**Пахтакорларимиз эришган улкан ғалабага бутун вилоят меҳнат аҳлининг хизматлари сингган, албатта. Эл қатори биз, маданият ходимлари ҳам бунга озгина бўлсада, ҳисса қўшганимиздан мамнунмиз.**

Фидойи пахтакорларга, чевар теримчиларга маданий-маиший, савдо, тиббий хизмат кўрсатувчи вилоят ташвиқот-тарғибот гуруҳи тузиш ҳақидаги фикримиз вилоят ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланганлиги айни муддао бўлди. Гуруҳ таркибига кирган Муроджон Йўлдошев бошлиқ «Шош наволари» ашула ва рақс дастаси санъаткорлари вилоятимизнинг барча пахтакор туманларида бўлиб, ўзаларининг янги концерт дастурлари билан бевосита шийпонларда, хирмон жойларда пахтакор ва теримчиларга маданий хизмат кўрсатдилар. Хушовоз хонандалар Валижон Абдуллаев, Жавлон Бўриев, Қурсия Эсонова, Гавҳар Салимова, Миразиз Муҳамедов ўзларининг дилрабо қўшиқлари билан дала меҳнаткашларини хушнуд этдилар.

Худди шунингдек, Оққўрғон тумани маданият ва спорт бўлимининг «Тўрғай» фольклор-этнографик дастаси Хитой халқ республикасида сафарда бўлиб қайтганларидан сўнг, йиғим-терим иштирокчилари ҳузурида бўлиб, ўз ҳисобот концертларини намойиш қилди. Оҳангароннинг «Чашма» фольклор дастаси, Ангреннинг «Шанс», Қибрай туманидан «Шалола» дасталарининг чиқишлари пахтакорларни руҳлантириб турди.

Айниқса, давлатга пахта сотиш режаларини уддалаган ширкат хўжаликлари, фермерлар далаларида ўтказилган учрашувлар, мулоқотлар, концерт дастурлари терим иштирокчиларига қувонч бахш этди.

«Маънавият ва маърифат» маркази ва Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари теримчи ва ҳашарчиларни эсдалик совғалари билан рағбатлантиришди.

**Маҳмуд АБДУНАЗАРОВ,**
**вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи.**



## ЕР ҚАДРИ

**Янгийўлда фермер Рустам Ҳамробековни кўпчилик яхши билади, илғорлар қаторида тилга олишади. Асли деҳқон фарзанди бўлган Рустам ер билан тиллаша олади, «ерни боқсанг, ер элни боқади», деган ақидага амал қилиб яшайди.**

У фермерликни ихтиёр қилгач, 90 гектар ерга эгалик қилиб, яхши ниятлар, катта режалар билан иш бошлади. Заминдор энг аввало, ўзига тегишли ернинг мелиоратив ҳолатини ўрганди, унинг ҳосилдорлигини оширишга катта эътибор қаратиб, минерал ҳамда маҳаллий ўғитлар билан керагича озиқлантириб, оби-тобига келтирди. Ерни қадрлайдиган фермер ўзи билан бирга деҳқончилик қилувчи хўжалик аъзоларини ҳам шунга ўргатди.

Ерга чинакам эгалик ҳисси фермернинг катта марраларни ишғол қилишида куч-қувват ато этган бўлса ажабмас. Бўрсилдоқ ерларга экилган сара уруғ барвақт униб чиқди, агротехник тадбирлар ўз вақтида, маромида олиб борилганлиги боис, ғўза ривожи рисоладагидек тус олди, дуркун ривожланиб, барвақт ҳосилга кирди.

Мана, бир неча йилдирки, Рустам Ҳамробеков бошчилигидаги «Исломбек барака» фермер хўжалиги шартнома мажбуриятини биринчилар қаторида уддалаб келмоқда. Бу йилги натижалар ҳам кутилгандек, 30 гектар майдондан ўртача 27 центнердан ошириб ҳосил кўтарилди. Туман хирмонида фермернинг улуши 84 тоннадан ошди. Унинг бундай қувончли натижага эришиши учун бор-йўғи 10 кун кифоя қилди. Ҳосил терим мавсумининг дастлабки кунларидаёқ саранжомлаб олингани боис, юқори навларга қабул қилинди.

— Пахта етиштириш ғоят нозик иш, — дейди Рустам Ҳамробеков. — Хўжалигимизнинг 15 нафар аъзоси буни теран тушунади, экин парваришига катта масъулият билан ёндошади. Чунки, шу хўжалик, шу серҳосил ер ўзимизники, уни яшнатиб, юқори самарадорликка эришсак, моддий манфаатдорлигимиз ҳам шунга яраша бўлиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, хўжаликка пахтачиликнинг ўзидан келадиган соф фойда ҳам салмоқли бўлиши тайин. Фермер унинг аксар қисмини хўжаликни ҳар тарафлама ривожлантиришга, хусусан, техник негизини мустаҳкамлашга, аъзоларнинг моддий эҳтиёжларини бутлашга йўналтиришни кўзламоқда.

**Носир РИХСИЕВ.**



Янгийўл тумани «Исломбек-барака» фермер хўжалиги теримчилари Ҳайри Мирсаидова ва Шаҳноза Бўтаева.

**Материалларни Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Хуршида НАЗАРОВА, Ҳусанбой АВВАЛОВ, Даврон АҲМАД (суратлар) тайёрладилар.**

